



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Навбахор тумани

2022 йил 27 июль

4-2103-2201/584-сонли иш

Навбахор туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.З.Хамидов раислигида, Ш.Искандаровнинг котиблигида даъвогар “NAVOIY SUV TA’MINOTI” масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг жавобгар “QUVNOQ BOLAJONLAR ORZUSI” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан тақдим этган даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакиллари Б.Шодиқулов (2022 йил 13 июлдаги 07/690-сонли ишончномага асосан), О.Махмудов (2022 йил 20 июлдаги 07/731-сонли ишончномага асосан), Ш.Ортиқов (2022 йил 26 июлдаги 07/744-сонли ишончномага асосан)лар, жавобгар вакили Б.Норов (рахбари) иштирокида Навбахор туманлараро иқтисодий суди биносида бўлиб ўтган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қўйидагиларни,

а н и қ л а д и:

Даъвогар “NAVOIY SUV TA’MINOTI” масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “QUVNOQ BOLAJONLAR ORZUSI” масъулияти чекланган жамиятидан 19.223.800 сўм қарзни ундиришни сўраган.

Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси ишни ўзининг вакили иштирокисиз кўришни сўраган. Суд низони Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда-ИПК)нинг 128, 170-моддаси талабларига асосан уларнинг иштирокисиз, ишдаги мавжуд ҳужжатларга асосланган ҳолда кўриб чиқишни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабини қўллаб-қувватлаб, даъво талабини 19.223.800 сўм қарз эмас, балки зарар (ўзбошимчалик билан уланганлик учун қайта ҳисоб-китоб қилинган миқдор)деб тушунтириш бериб, уни тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар даъвони тан олмаслигини, ичимлик сувини нақд пулда харид қилиб фойдаланаётганлигини, ичимлик суви тармоғига тоза ичимлик суви келганлигини билмаганлигини маълум қилиб, қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд иш ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қўйидаги асосларга кўра даъво талабларини қаноатлантиришни лозим топди.



Иш ҳужжатларидан кўринишича, “NAVOIY SUV TA’MINOTI” масъулияти чекланган жамияти томонидан 2022 йил 5 апрелда 38AF-сонли “Навоий сув таъминоти” масъулияти чекланган жамиятининг тезкор ишчи гуруҳини ташкил этиш ва барча туман, шаҳар бўлимларининг барча соҳаларини ўрганиш тўғрисида” буйруғи қабул қилинган.

Мазкур буйруқнинг 2-бандига асосан, МЧЖнинг тезкор ишчи гуруҳи 2 ой муддатда барча туман, шаҳар бўлимлари тушумининг бажарилишига тўсқинлик қилаётган барча хато-камчиликлар, хусусан ичимлик сувига ноқонуний уланиш ҳолатларини аниқлаш белгиланган.

Шунга асосан, 2022 йил 22 апрелда “QUVNOQ BOLAJONLAR ORZUSI” масъулияти чекланган жамиятига тегишли МТМда ўрганиш ўтказилиб, бу тўғрисида 20.04.2022 йилдаги 01/39-сонли ўрганиш далолатномаси ва 20.04.2022 йилдаги 01/39-сонли далолатнома расмийлаштирилган.

Далолатномага асосан жавобгарнинг ичимлик суви тармоғидан ноқонуний фойдаланганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари” (бундан кейин матндан қоидалар деб юритилади)нинг 49-бандига асосан, ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларига (юридик ва жисмоний шахслар томонидан) ўзбошимчалик билан уланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда сув қувури-канализация хўжалиги (ИСКХ) ташкилоти томонидан бу ҳақда икки нусхада далолатнома тузилади ва бир нусхаси ўзбошимчалик билан уланиб олган субъектга топширилади. Ушбу далолатнома ўзбошимчалик билан уланганнинг жавобгарлик даражасини ва ИСКХ ташкилотига етказилган зарарни аниқлаш учун асос бўлади ҳамда ИСКХ ташкилоти ушбу Қоидаларнинг [94-бандига](#) мувофиқ сув сарфи ва оқова сувларни чиқарганлик учун тўлов суммаларини тўлаш учун уланма эгасига тўлов ҳужжати ёзиб беради.

Истеъмолчи далолатномани имзолашдан бош тортиган тақдирда далолатномага бу ҳақда тегишли ёзув киритилади. Бош тортиш икки нафар гувоҳ ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили томонидан тасдиқланиши лозим.

Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларига ўзбошимчалик билан уланган истеъмолчи ИСКХ ташкилоти томонидан тармоқдан узилади ва бу ҳақда белгиланган тартибда икки нусхада далолатнома расмийлаштирилади.

Қоидаларнинг 94-бандига асосан, ичимлик сув ва канализация тармоқлари ҳамда қурилмаларига ўзбошимчалик билан уланиб олинганлик аниқланган тақдирда, сарфланган сув ва қабул қилинган оқова сувлар миқдори мазкур Қоидаларнинг [87-бандига](#) мувофиқ, уланишнинг сув узатиш қуввати бўйича қуйидаги кундан бошлаб ҳисоб-китоб қилинади:

ўзбошимчалик билан уланиш аниқлангунга қадар охириги текшириш далолатномаси тузилган кундан;

агар ўзбошимчалик билан уланиш ИСКХ ташкилотига тегишли тармоқ қурилмаларга нисбатан бўлган бўлса, ўзбошимчалик билан уланиш нидан бошлаб у аниқлангунга қадар, бироқ даъво муддатидан кўп



бўлмаган ҳолда ҳисобланади. Агар ўзбошимчалик билан уланиш санасини ҳужжат билан тасдиқлашнинг имкони бўлмаса, у ҳолда ўзбошимчалик билан уланиб фойдаланиш даври даъво даври муддатига тенг бўлади.

Даъвогар томонидан қоидаларнинг 87-бандига асосан жавобгарнинг ичимлик суви тармоғига ўзбошимчалик билан ноқонуний уланганлик учун қарз миқдори тўғри ҳисобланган.

Даъвогар суд мажлисида 27.07.2022 йилдаги 07/748-сонли илтимосномани тақдим этиб, жавобгардан 19.223.800 сўм қарз эмас, балки 19.223.800 сўм зарар (ўзбошимчалик билан уланганлик учун қайта ҳисоб-китоб қилинган миқдор) ни ундиришни сўраган.

ИПКнинг 157-моддасига асосан, даъвогар ишни биринчи инстанция судида кўриш чоғида ишнинг мазмунан кўрилиши якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳақли.

Шу боис суд, даъвогарнинг 27.07.2022 йилдаги 07/748-сонли илтимосномасини иш юритишга қабул қилиб, жавобгардан 19.223.800 сўм зарар (ўзбошимчалик билан уланганлик учун қайта ҳисоб-китоб қилинган миқдор)ни ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Баён этилганларга асосан, жавобгардан даъвогар фойдасига олдиндан тўланган 24.000 сўм почта харажатини ҳамда ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини, яъни 384.476 сўм давлат божини жавобгардан Республика бюджетига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 128, 176-179, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и :

Даъвогарнинг 27.07.2022 йилдаги 07/748-сонли илтимосномаси иш юритишга қабул қилинсин.

Даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилсин.

Жавобгар “QUVNOQ BOLAJONLAR ORZUSI” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар “NAVOIY SUV TA’MINOTI” масъулияти чекланган жамияти фойдасига 19.223.800 сўм ва олдиндан тўланган 24.000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Жавобгар “QUVNOQ BOLAJONLAR ORZUSI” масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджетигага 384.476 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бир ой муддат ўтгач қонуний кучга қиради. Мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар бир ой муддатда судга апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.



Судья

Ш.З.Хамидов

Хужжат имзоланган: Хамидов Шерали Зарипович, 27.08.2022

